

**ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК КАРАШЛАРИ
ВА КАДРИЯТЛАРИДАН ЁШЛАР ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА КЕНГ
ҒОЙДАЛАНИШ.**

Холова Нодида Ахмедовна

Бухоро муҳандислик-технология институти (БухМТИ)

Гадайнӣзова Мукаддас Фахриддиновна (талаба)

***Аннотация:** Мақолада Шарқ мутафаккирлари меросида таълимий-ахлоқий қарашларнинг фойдаланиши, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш ҳақида фикр юритган.*

***Таянч сўзлар:** маърифат, билим, мерос, ҳлоқ, тарбия, оила, илм, билим миллат равнақи.*

**ШИРОКОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ И
ТАЛАНТОВ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ В
ФОРМИРОВАНИИ ИДЕЙНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ
МОЛОДЕЖИ, В ВОСПИТАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ.**

Холова Надира Ахмедовна

Бухарский инженерно-технологический институт (БухИТИ)

Гадайнӣзова Мукаддас Фахриддиновна (студент)

***Аннотация:** В статье он размышлял о выражении воспитательных и нравственных взглядов в наследии восточных мыслителей, их использовании в процессе воспитания.*

***Ключевые слова:** просвещение, знание, наследие, нравственность, воспитание, семья, наука, знание есть развитие нации.*

**WIDE USE OF THE PEDAGOGICAL VIEWS AND TALENTS OF
CENTRAL ASIAN THINKERS IN THE FORMATION OF THE**

IDEOLOGICAL AND POLITICAL CULTURE OF YOUNG PEOPLE, IN THE EDUCATIONAL PROCESS.

Kholova Nodira Akhmedovna

Bukhara Engineering and Technology Institute (BukhETI)

Gadayniezova Muqaddas Fahriddin daughter (student)

Annotation: *In the article he reflected on the expression of educational and moral views in the heritage of Eastern thinkers, their use in the process of education.*

Keywords: *education, knowledge, heritage, morality, upbringing, family, science, knowledge is the development of the nation.*

Аждодларимиздан қолган бой мерос ўзининг ўта муҳимлиги ва илмий салоҳияти билан ханузгача бутун дунё халқларини лол қолдириб келмоқда. Ватанимиз тарихининг ибрат олса, арзигулик зарварақларини холисона ўрганиш ва ана шундай мерос намуналаридан фойдаланган ҳолда комил инсонларни шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Комил инсон тарбиясида ўзидан ўлмас мерос қолдирган аждодлар ҳазинасидан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бўлиб, бугунги таълим-тарбия жараёнини мазмунли ташкил этишда буюк аждодларимизнинг илмий ва дунёвий билимлари, асарлари ва қарашларидан ибрат олиш миллатимиз равнақи учун беқиёс масаладир. Уларнинг ғоявий сиёсий маданиятни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари, ўғитлари шундай кучга эгаки, улар ёшлар қалбида инсонийлик уруғларининг униб чиқиши, катта ҳаёт йўлига олиб чиқиши, ўз мустақил фикрига эга бўлишига ёрдам беради, маънавий куч-қувват беради. Халқига ва қариндош-уруғларига қўлидан келган барча яхшиликларни қилиш, улар ҳурматини жойига қўйиш каби инсонийлик фазилатларини шакллантиради. Бу эса имонли, эътиқодли, ғурурли, одобли, ғоявий-сиёсий маданиятга эга бўлган шахсни вояга етказишнинг асосий мақсадидир. Буюк аждодларимиз таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда беқиёс ўғит ва йўналишларни очиб берган. Улардан айримларининг педагогик қарашларига тўхталиб ўтамиз.

Абу Наср Фаробий (873-950) Арасту изидан бориб, фалсафани иккига: назарий ва амалий жиҳатларга ажратади ва ахлоқий тарбияни амалий фалсафа таркибига киритади. Ахлоқий муаммолар унинг “Бахтга эришув йўлини кўрсатувчи китоб “Фозил одамлар шаҳри”¹¹ каби асарларида ёритилган. Мутафаккирлар ўз асарларида инсонни ёшлигидан ақлий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаб, сабот-матонатли, аждодлар анъанасига бўйсунадиган, ахлоқан пок, эзгу ниятли, баркамол бўлишига алоҳида эътибор берган. **Фаробий** билимдан маърифатли етук одамнинг образини тасвирлар экан, бундай дейди: «Хар кимки илм хикматни ўрганмаган деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ – саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одоби бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланган бўлсин, барча қонун – қоидаларни билсин, билимдан ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни хурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол – дунёсини аямасин, барча реал оддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин». Бу фикрлардан Фаробийнинг таълим – тарбияда ёшларни мукаммал инсон қилиб тарбиялашда хусусан, ақлий – ахлоқий тарбияда алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди, унинг эътиқодича, билим, маърифат, албатта яхши ахлоқ билан безатмоғи лозим, акс ҳолда кутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди. **Ибн Сино** (980-1037й.й) бола тарбияси ва тарбия усуллари ҳақида қимматли фикрларини билдирган. Ибн Сино боланинг ахлоқий тарбияси ҳақида билдирган фикр-ларида уй – рўзғор тутиш масалалари хусусида ҳам сўз юритади. Болани тарбиялаш оила ота – онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота – она тарбиячи бўлиши мумкин. **Юсуф Хос Хожибнинг** (1016-1070 й.й) уқтиришича ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб камол топмоғи керак. Бунинг учун у туғилган кундан бошлаб зарур тарбияни олмоғи лозим. Фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи шарт. Шундагина уларнинг ноўрин хатти – ҳаракатларига берилишининг олди олинади. **Мирзо Улуғбекнинг** (1394-1449 й.й) оила муҳити соғлом авлодни етиштириш ҳақидаги фикрлари шундан иборатки, аллома уқтиришича, боланинг билим олишига бўлган қизиқиш, хавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит

мухим ўринни эгаллайди. Оилада ота – оналар айниқса ўқимишли ота – оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришлари лозим. Мирзо Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий хунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият беради. Улуғбекнинг фикрича одам соғлом ва бақувват бўлиши учун ёшлик чоғидаёқ жисмоний машқлар билан шуғулланиши, таълим – тарбияда порахўрлик, қаллоблик бўлмаслиги учун мударрислар одил ва ҳалол бўлиши керак. **Алишер Навоий** (1441- 1501 й.й) боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради. Тарбия натижасида бола-нинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади. Ёш боланинг жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ зарур. Тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишга ёрдам беради. У одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса киши-ларнинг бир – бирларига бўлган руҳий-маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади деб вояга етказишда асосий омиллардан бири тарбия эканлиги уқтиради. **Воиз Ал-Кошифийнинг** (1442-1505й.й) уқтиришича инсонни таълим – тарбия орқали қайта тарбиялаш ақлий қобилиятни ўстириш мумкин. Кошифий ўзининг педагогик қарашларича болаларда мустақил фикр-лаш қобилиятини ўстириш масаласига алоҳида эътибор беради. Ота – оналар муаллимлардан бу масалага алоҳида аҳамият беришни талаб этади. Бу масалада оилавий ҳамда ташқи муҳит муҳим ўрин тутди. Бола тўғри сўзди, ваъдага вафодор, яхши хулқли қилиб тарбияланиши керак. Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намоёндаларидан бири **Муслихиддин Саъдий Шерозий Шерознинг** (1210-1292й.й) фикрича, оила, боланинг бахти, келажаги учун замин яра-тувчидир. Оилада асосий таянч отадир. У маъсули-ятли тарбиячидир. Ота ўз болаларини тарбиялаши, ўқитиши, хунарга ўргатиши, жисмонан чиниқтири-ши керак.

Ўзбек ижтимоий ва адабий ҳаётнинг йирик вакилларида бири **Комил Хоразимий** (1825-1899 й.й) ўз асарларида маърифат ахлоқий камолот, ватанпарварлик ғояларини олға сурди. У илм-маърифатнинг халқ, жамият фаровонлигига,

инсоннинг ахлоқ ка-молатида тутган ўрни, ахлоқий ва нафосат тарби-ясини узвий бирлиги ҳақидаги педагогик фикрлари-ни ҳам баён этади. Шоир тарихшунос, таржимон ва хаттот Мунис Хоразмий тилга кўп эрк бермасликни маслаҳат беради. Унинг таъкидлашича, ортқча сўзмонлик киши бошига олин ўрнига қаттиқ тош бўлиб тегиши мумкин. Моҳлар ойм **Нодиранинг**(1792-1842 й.й) инсон ва табиатига нисбатан қарашларига фақат шахсий туйғу эмас, балки ёшлар тарбиясида миллий анъаналарнинг роли ҳақидаги фикрлари ҳам намоёндыр. Нодира-нинг тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғоялари-адолат, инсоф, халқ манфаати муҳим ўрин-ни эгаллайди. Нодира ҳаётнинг туб моҳиятини ях-шилиқ биносини барпо этишдан иборат деб билади. Унинг фикрича, кимки тириклик чоғида яхшилиқ бунёд этган бўлади, ўзининг бу эзгу ишлари билан ўзидан кейин ҳаётда ёрқин хотира қолдиради. **Мухаммад Ризо Огаҳий** (1809-1894 й.й) ўз ижодий фаолиятини педагогик қарашларида нафосат тарбияси ҳамюқори баҳоланади. Огаҳий миллий анъаналаримиз меҳмондўстликни гўзал фазилатлардан бири ҳисоблайди. Меҳмонга чуқур ҳурмат билан қараш, меҳмон кутиш, кузатиш одоби Огаҳий ижодидан ўз ифодасини топди, одамларни бу фазилатни эгаллашга даъват этди. Огаҳийнинг таъкидлашича, инсонга дўст ва душманни ажратиб олиш ҳаётда ўз ўрнини топиб олишда ғоят муҳимдыр. Унинг фикрича тўғри сўз кишилар ҳаётда қийинчилик билан яшасаларда, дунёнинг мавжудлигини сақлаб турадилар, мангу яшайдилар. Шундан келиб чиққан ҳолда улуғ мутафаккирларнинг педагогик қарашлари ва кадриятларидан мустақил юртимиз истиклолини мустаҳкам-лашда, ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантиришда, таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланишимиз мумкин.

Ватанимиз тарихининг миллий маданий мероси, мутафаккирларимиз-нинг ёш авлод тарбиясидаги ахлоқий, эстетик, экологик қарашлари, комил инсон ғояси тўғрисидаги қарашлари илмий ўрганилган ва асосланган. Фахр ва ифтихор билан айтиш мумкинки, жонажон заминимиз жаҳон цивилизацияси ривожда

ҳисса қўшган алломалар, файласуф ва донишмандлар маконидир. Биз аждодларимиз билан фахрланамиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. - Т.: «Адолат», 2017.
2. Баходиров Р. Шарқ мутаффакири. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи. - Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Н.С.Атаева, Ф.Расулова. Умумий педагогика. Тошкент.: Фан ва технология, 2012. 756 б.
4. Ахмеджанов М.М., Тўхтаева З.Ш. Дидактик воситалар. Тошкент.:“Paradigma”, 2018. 136 б.
5. Холова Н.А. Шарқ мутафакирларининг таълим-тарбия масалаларидаги қарашлари. - Интернаука, 2019. 57-58 б.
6. Холова Н. А. Меъморий чизмаларнинг асосий турлари //Интернаука. – 2019. – №. 6-2. – С. 47-49.
7. N.A. Kholova Production of Reinforced Concrete Products by Application of Energy Saving Methods is the way of Increasing the Economic Efficiency of National Economy. - European journal of innovation in, 2022.
8. Kholova N., Abdullaev R. Censuring the durability of foundations of buildings and structures //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2021. – Т. 839. – №. 5. – С. 052044.
9. Холова Н. А. Методы ухода, применяемые с использованием солнечного света на открытых площадках для улучшения качества свежееуложенного бетона //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 165-168.
10. Akhmedovna K. N. Production of Composite Materials by Important Technological Methods //European journal of innovation in nonformal education. – 2023. – Т. 3. – №. 4. – С. 102-105.

11. Fayzullaevna S. N., Akhmedovna K. N. Significant Technological Methods of Production of Composite Materials //European journal of innovation in nonformal education. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 36-40.
12. Хошимов К., Очилов С. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 2010.
13. Беков У. С., Рахимов Ф. Ф. Спектральный анализ кремнийорганических соединений на основе фенола //Universum: химия и биология. – 2021. – №. 5-2 (83). – С. 27-30.
14. Беков У. С. Квантово-химические расчёты зарядов олигоэтилендиоксисилана-как основа устойчивости промежуточного и переходного состояний //Universum: химия и биология. – 2020. – №. 11-1 (77). – С. 78-80. URL: <https://7universum.com/ru/nature/archive/item/10846>
15. Рахимов Ф. Ф., Беков У. С. Квантово-химические расчёты зарядов кремнийорганических соединений-как основа устойчивости промежуточного и переходного состояний //Universum: химия и биология. – 2022. – №. 5-2 (95). – С. 47-50. URL: <https://7universum.com/ru/nature/archive/item/13614>
16. Беков У. С. О внедрении безотходных технологий в кожевенно-меховой промышленности //Universum: технические науки. – 2020. – №. 6-3 (75). – С. 9-11.
17. Беков У., Қодиров Ж. Гидрофобные свойства пластицированного гипса полученоно с использованием органического полимера на основе фенолформальгида //Zamonaviy dunyoda tabiiy fanlar: Nazariy va amaliy izlanishlar. – 2022. – Т. 1. – №. 25. – С. 23-26. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7344600>
18. Беков У. С. Флуоресцентные реакции ниобия и тантала с органическими реагентами //Universum: химия и биология. – 2020. – №. 5 (71). – С. 47-49. URL: <http://7universum.com/ru/nature/archive/item/9350>
19. Беков, У. С. Влияние способов переработки и внешних факторов на свойства дисперсно-наполненных полимеров / У. С. Беков // Современные материалы, техника и технология : Материалы 3-й Международной научно-

практической конференции, Курск, 27 декабря 2013 года / Ответственный редактор Горохов А.А.. – Курск: Закрытое акционерное общество "Университетская книга", 2013. – С. 88-90. – EDN SBFUXR.

20. Беков, У. С. Изучение технологических и физико - механических свойств полимерных композиционных материалов, полученных на основе полиолефинов и отходов нефтегазовой промышленности / У. С. Беков // Инновации в строительстве глазами молодых специалистов : Сборник научных трудов Международной научно-технической конференции, Курск, 05–06 декабря 2014 года / Ответственный редактор: Гладышкин А.О.. – Курск: Закрытое акционерное общество "Университетская книга", 2014. – С. 62-65. – EDN TGAMSJ.

21. Safarovich B. U. et al. Using sunlight to improve concrete quality //Science and pedagogy in the modern world: problems and solutions. – 2023. – т. 1. – №. 1.

22. Фатоев И. И., Беков У. С. Физико-химическая стойкость и механические свойства композитов с реакционноспособными наполнителями в жидких агрессивных средах //Теоретические знания–в практические дела [Текст]: Сборник научных статей. – С. 111.

23. Safarovich B. U., Khaidarovich K. Z. Type of creep deformations of cellular concrete obtained by a non-autoclave method at low stresses //Horizon: Journal of Humanity and Artificial Intelligence. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 81-85.

24. Беков У. С., Хайдарович Қ. Ж. Физико-механическая характеристика уплотнителей, полученных в результате переработки вторичного бетона и железобетона //Pedagogs jurnali. – 2023. – Т. 31. – №. 2. – С. 51-56.

25. Беков У. С., Хайдарович Қ. Ж. Физико-механические свойства пластицированного гипса полученного на основе фенолформальгида //Principal issues of scientific research and modern education. – 2022. – Т. 1. – №. 8. <https://woconferences.com/index.php/pisrme/article/view/379>

26. Беков У. С. Исследование относительных деформаций неавтоклавногo ячеистого бетона в условиях чистого сдвига. – 2023.

27. Зайниев Х. М., Беков У. С. Изучение силовых соотношений при алмазной глуженке. – 2023.
28. Muhiddinovich Z. K., Safarovich B. U. Study of force dependences in diamond ironing. – 2023.